



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

2017 йил 24 июль куни хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни тугилган куни билан табрикдадилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан дунёнинг қўллаб-давлатлари раҳбарлари ўртасида нафақат расмий, балки шахсий дўстлик муносабатлари ҳам ўрнатилган. Давлатимиз раҳбари номига келган табрикларда ҳам бу ўз тасдиғини топган.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпин табригида бундай дейилган: "Сизга тугилган кунингиз муносабати билан ўзининг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди".

"Хитой ва Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаман, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклини бир-галликда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Сиз билан яқин ҳамкорликни давом эттиришга тайёрман", деб таъкидлаган Хитой раҳбари.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Президентимизни 60 ёши билан, телефон орқали самимий табриклаб, мустаҳкам соғлиқ, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятида муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва раҳнақ тилаган.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари олий даражадаги мунтазам учрашувлар халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихида янги саҳифани бошлаб берганини, икки мамлакатнинг ўзаро дўстона ва ишончли муносабатлари, иттифоқчилик ва стратегик шериклини ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратганини мамнуният билан таъкиддадилар.

Президентлар учрашувлар чоғида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувларни изчил амалга ошириш Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирдадилар.

Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов телефон орқали мулоқотда Шавкат Мирзиёевни юбилей билан самимий муборакбод этиб, эзгу тилаклар изор этган, 2017 йилнинг биринчи ярми қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида воқеаларга бой ва самарали бўлишини таъкидлаган.

Шу йилнинг март ва май ойларида икки мамлакат Президентларининг самарали учрашуви ва музокаралари якунлари, шунингдек, турли вазирлик ва ҳўжалик субъектлари раҳбарлари ўртасидаги изчил алоқалар сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга янги рух, янги мазмун ва янги қувват бағишлади.

Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев телефон орқали мулоқот чоғида Шавкат Мирзиёевни юбилей билан самимий табриклаб, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятида янги муваффақиятлар тилаган.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатлари қўл асрик умумий тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, анъана ва урф-одатларимиз яқинлиги асосида муваффақиятли ва самарали ривожланаётганини юксак мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари суҳбат чоғида мамлакатларимиз қўллаб-қўллашдаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантиришга тайёр эканини турли даражадаги изчил алоқалар тасдиқлашини таъкиддадилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон телефон орқали суҳбатда кейинги пайтларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани ва мавжуд масалалар азалий дўстлик, аниъанавий яқин қўшничилик тамойиллари асосида ва манфаатлар инобати олинган ҳолда изчил ҳал этилаётгани билан ажралиб туришини таъкидлаган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, транспорт-транзит соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш борасида аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон қорхоналари маҳсулотларининг Душанбеда ўтказилган қўластаси билан икки мамлакат ишбилармон доиралари, маданият ва санъат вақиллари иштирокидаги қатор форумлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда янги имкониятларни очиб берди.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари янги шароитларни инобатга олган ҳолда, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга тайёр эканини таъкиддадилар.

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев телефон орқали мулоқотда Шавкат Мирзиёевни тугилган куни билан табрикдади, Ўзбекистон Президентининг халқларимиз ўртасидаги муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссасини Қирғизистонда юксак кадрлашларини таъкидлаб, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш ва тушунишга асосланган қўл асрик муносабатлар бундан бунён ҳам манфаатли ҳамкорлик асосида янада ривожланишига қатъий ишонч билдирган.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг табригида бундай дейилган: "Сизни муҳим сана – 60 йиллик юбилейингиз билан самимий муборакбод этаман ва ўзининг эзгу тилакларини йўллайман".

"Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик маънавий қадриятлари муштарак икки қардош халқнинг хоҳиш-иродасига асосланган. Бугун давлатларимиз ўртасида мустаҳкам асосда йўлга қўйилган муносабатлар алоҳида аҳамиятга эга", деб таъкидлаган Озарбайжон раҳбари.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг табригида бундай дейилган: "Сизни Беларусда фуқаролари ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, жонажон мамлакатни фаровонлигини таъминлаш, унинг иқтисодий қудрати, халқаро майдондаги обрўсини, жамиятда тинчлик ва тўтовулини мустаҳкамлаш учун куч ва имкониятларини аямайдиган таҳриба билан доно давлат арбоби сифатида биланамиз".

Беларусь раҳбари "икки томонлама мулоқотни фаоллаштириш Беларус ва Ўзбекистон манфаатларига мос келиши ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий мустаҳкам дўстлик ва ўзаро англашув асосида серқирра шериклини янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши"га ишонч билдирган.

Украина Президенти Пётр Порошенко табригида "Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида муваффақиятли амалга оширилаётган ислохотлар мустақил Ўзбекистон тараққиётида янги босқич бўлади. Давлатни изчиллик билан модернизация қилиш мамлакатинингизнинг халқаро обрўсини янада мустаҳкамлаш ва меҳнаткаш халқингиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда", деб таъкидлаган.

"Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги амалий мулоқотни жадал ривожлантиришга ҳар икки томоннинг тайёр экани халқларимиз фаровонлиги йўлида дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, ўзингизга қўлай вақтда Украинага таширф буюришингизни тақдир этаман", деб қайд этган Украина раҳбари.

Болгария Республикаси Президенти Рамен Радев ўз табригида Ўзбекистон Республикаси Президентини 60 йиллик юбилейи билан самимий табриклаб, эзгу тилакларини йўллаган.

"Қўлай фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва аниъанавий дўстлик муносабатлари умумий савий-ҳаракатлар билан халқларимиз фаровонлиги учун янада ривожланиши ва бойишига ишонаман", деб таъкидлаган Болгария Президенти.

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев Ўзбекистон Президентини 60 ёши билан Россия ҳукумати ва шахсан ўз номидан самимий табрикдадилар.

"Ўзбекистонда Сизнинг раҳбарлигингизда миллий иқтисодиёт салоҳиятини тўлиқ очиб берадиган ва етакчи халқаро шериклар билан ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқадиган кенг қўламли давлат дастурлари ҳаётга таъбиқ этилмоқда", деб таъкидлаган Россия ҳукумати раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, парламентлар раҳбарлари, танкили сиёсий арбоблар, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқаролардан самимий табриклар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда иқтисодиётни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш, макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш юзасидан кенг қўламли ишлар, шунингдек саноатни модернизация қилиш ва замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни барпо этиш бўйича кирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ғов бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўқинлик қилаётган қатор камчиликлар мавжудлигини, хусусан:

Биринчидан, давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи лойиҳа бошқарувининг ягона тизими мавжуд эмаслигини;

Иккинчидан, лойиҳаларни амалга ошириш суръати ва самарадорлигини тезкор қузиатиш имконини берувчи илгор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқарув жараёнига етарлича жорий этилмаганлигини;

Учинчидан, давлат ва ҳудудий дастурларни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очкилик ва шаффофлик даражасининг пастлиги мазкур соҳада молиявий маблаглар мақсадсиз ва самарасиз сарфланиши, шунингдек турли хил суистеъмолчилик ҳолатларини келтириб чиқараётганлигини;

Тўртинчидан, давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари шаффофлигини таъминловчи давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат қорхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар деб юритилади)нинг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган ягона ахборот майдонининг мавжуд эмаслигини;

Бешинчидан, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асосланганлиги ва рентабеллигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, шунингдек уларнинг қийматини ошириш бўйича бошқа суистеъмолчиликлар аломатларини аниқлаш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлигини;

Олтинчидан, товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш имконини берадиган ягона классификатор ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат органлари фаолияти, шу жумладан давлат харидларини амалга ошириш соҳасида очкилик ва шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Лойиҳа бошқарувининг ягона ахборот тизимини яратиш орқали давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини, молиявий маблаглар сарфланишини бошқариш механизмларининг самарадорлиги ва шаффофлигини янада ошириш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими:

ҳар бир ресурснинг (товарлар, ишлар ва хизматларнинг) ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш ҳамда нотўғри техник топшириқ ва смета-ларни юритишга йўл қўймаслик имконини берадиган ресурслар ягона миллий маълумотномасини жорий этишни;

уч ўлчамли лойиҳалаш технологиясидан фойдаланган ҳолда ресурслар ҳисобини юритиш, лойиҳа бўйича қабул қилинган қарор самарадорлигини баҳолаш, ресурслар миқдори ва турлари тўғри белгиланганлигини аниқлашни;

лоийҳаолди, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тегишли жараёнлардан ўтказиш, ижро интизомига риоя этиш, иш юритиш, ҳисоботлар тузиш устидан электрон назорат ўрнатишни;

давлат харидларининг шаффофлигини ва суистеъмолчиликларнинг олдини олишни таъминлайдиган ягона автоматлаштирилган тизим ташкил этишни;

ишлар бажарилиши ва дастурлар ижросининг ҳақиқий ҳолатини акс эттирувчи календарь-тармоқ режалаштиришни жорий этишни, шунингдек хабардор қилиш тизимига эга режа ва жадалваларни шакллантиришни;

бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назорат-таҳлилий таъминотини назарда тутад.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Агентлининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини яратиш, жорий этиш ва эксплуатация қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблаглари ҳисобидан молиялаштирилган давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишининг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш;

ресурсларнинг ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш ҳамда нотўғри техник топшириқ ва сметаларни юритишга йўл қўймаслик имконини берадиган ресурслар ягона миллий маълумотномасини юритиш;

давлат харидларини амалга ошириш учун ягона ахборот майдонини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблаглари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳаларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширишга қўмаклашишни таъминлаш, норентабелли ва самарадорлиги паст лойиҳаларни аниқлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда замонавий технологияларни жорий этиш концепциялари ишлаб чиқиши ва ҳар томонлама таҳлил қилинишини таъминлаш;

лоийҳаларни, шу жумладан амалга оширилаётган лойиҳаларни коррупция ва бошқа суистеъмолчиликлар аломатлари мавжудлиги юзасидан комплекс техник-иқтисодий таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини ишлашини таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини давлат органлари ва бошқа ташкилотларда жорий этиш;

лоийҳа бошқаруви соҳасида кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш.

(Давоми 2-бетда)

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Аввал хабар қилинганидек, куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги йигирма бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳўқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар атрофида қўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилдан бошлаб сессияларда туманларда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳўқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятига оид масалаларни қўриб чиқиш амалиёти жорий қилинган.

Депутатлар томонидан мансабдор шахсларга 2016 йилда 600 дан ортиқ, 2017 йилнинг биринчи ярмида 300 дан зиёд сўров

юборилган. Натижада, Тошкент шаҳрида аҳолини қийнаётган, ҳудуд учун долзарб аҳамиятга эга бўлган аксарият муаммолар ижобий ҳал этилган.

Депутатлар ўз сайловчиларини маҳалларда қабул қилиши амалиёти жорий этилган бўлиб, барча маҳалларда депутатлар ҳақида маълумотлар, шу жумладан уларнинг телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, фуқароларни қабул қилиш қунари жойлаштирилган.

Шаҳар депутатлари томонидан 2017 йилнинг биринчи ярмида 800 нафардан ортиқ фуқаролар қабул қилинган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг 300 га яқин мурожаати қўриб чиқилган. Шу билан бирга, сессияда Кенгаш, унинг доимий комиссиялари, депутатлар ва сиёсий партиялар фаолиятида ўз ечимини қутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги қайд этиб ўтилди.

Доимий комиссиялар маҳаллий ижро ҳокимияти бошқарма ва бўлимларининг мансабдор шахслари ҳисоботларини эшитиш амалиётидан деярли фойдаланилмаганлиги, сиёсий партияларнинг Кенгашдаги депутатлик гуруҳларининг таъсири деярли сезилмаётганлиги қайд этиб ўтилди. Сессияда долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда, бундай масалалар устидан назорат олиб боришда доимий комиссияларда ташаббускорлик етишмаётганлиги таъкидланди.

Баъзи маҳаллий ижро ҳокимияти органлари мансабдор шахслари депутатларга белгиланган муносабатда бўлиб, уларнинг сўровларига умуман ёки ўз вақтида жавоб бермаётгани. Айниқса, сўровларга жавоб бермаслик ҳолатлари аксарият туманлар ҳокимлари фаолиятида қузатилмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг Кенгаш сессияларида муҳокама қилинмаётгани аҳолини

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМГА ЎТКАЗИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Хабар қилинганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Паркент туманидаги "Марказий" маҳалла фуқаролар йиғинига таширф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари, жамият ҳаётидаги роли мустаҳкамланмоқда.

"Марказий" маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино, маҳалла гузари барпо этилган. Бу ерда йиғин ходимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун барча шароит яратилган. Маҳалла раиси, котиб, маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар ажратилган, улар компьютер, мебель, тегишли адабиётлар билан таъминланган. Профилактика инспектори хонасида маҳалладаги жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари орқали ҳудудни назорат қилиш имкониятини берувчи мониторинг ўрнатишган.

Маҳалла тўғрисида қонун бор, шароит яратилган, лекин маҳалла раисининг жавобгарлиги етарли даражада белгиланмаган, қуйи тизим йўқ эди, деди давлатимиз раҳбари. Энди маҳалла фуқаролар йиғинига катта вақолат ва имкониятлар берилди. Маҳалла раиси Президентнинг вазифаси, ўз ҳудудининг эгаси бўлиб, ҳар бир хонадондаги ҳолатни, одамларнинг талабларини билиши ва унга қўмақ бериши керак.

Шу ерда ички ишлар тизими томонидан олиб борилаётган профилактика ишлари, "Хавфсиз дам олиш" концепцияси ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Тошкент вилояти, жумладан, Паркент туманида туризмни ривожлантириш учун улкан салоҳият борлиги, бунинг учун дам олувчилар ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, одамларни шу йўналишда оилавий тадбиркорликка ўргатиш кераклигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев маҳалла гузарига фаолият юритаётган тикувчи ва касанаچی аёллар билан суҳбатлашди.

Туманда 2 сув омбори қуриш, томчилатиб суғориш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, тоқзорлар ташкил этиш, Паркент шаҳрининг бош режаси, қўл қаватли уй-жойлар, йўллар, бозор, истирохот боғи ва бошқа объектлар барпо этиш лойиҳалари намойиш этилди.

Президентимиз Паркентсой ва Қизилсой сув омборларининг туман иқтисодиёти, аҳоли даромадларини оширишда аҳамиятига урғу берди. Ушбу сув омборлари қурилиши натижасида 5 минг 800 гектар ер мунтазам сув билан таъминланади. 3 минг 900 гектар лалми ерга сув чиқарилади, 1 минг 900 гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

Паркент эркин иқтисодий зонасини ташкил этиб, 100 миллион доллар инвестиция қилиниши, туман имкониятлари ва бозор талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш йўналишларини белгиллаш, шу билан бирга, ерости бойликларини ўзлаштирувчи заводлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ешлар маънавиятини юксалтириш, вилоят иқтисодиёти учун кадрларни мақсадли тайёрлаш, аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандлигини ошириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Паркент тумани Гулистон маҳалласида яшовчи Аминжон ота Мухаммаджоновнинг боғида бўлди.

74 ёшни қаршилаган Аминжон ота умр йўлдоши Иштибор ая билан беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли.

Аминжон ота фарзандлари билан "Зуҳра она плюс" хусусий қорхонасини ташкил этган. Маҳалладаги қарийб 3 гектар ерда манзарали дарахтлар ва буталар экиб, боғ яратган.

(Давоми 2-бетда)

қийнаётган муаммолар юзасидан юборилаётган сўровларнинг ҳал этилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари ўз электоратига берган ваздаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажара олмаётгани, сиёсий партияларнинг жойларда, туман бўлимларида ишлаётган ходимларининг фаолияти қонирқасид аҳолида. Уларнинг ешлар ўртасида олиб бораётган ишларини қўнғилдагидек деб бўлмади.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг аҳоли билан мулоқоти, тарбият-ташвиқот ишлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ҳам етарли деб бўлмади. Хусусан, сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳар Кенгашларининг биронтасида веб-сайтлар ташкил қилинмаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЛОЙИХА
БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Белгилансинки:

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарларига эга;

Агентлик директори буйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчисига, директор ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосарига тенглаштирилади.

Агентлик директори ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

4. Агентликка, истисно тариқасида:

тендер савдолари ўтказмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берувчилар ёки уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) билан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида асбоб-ускуна, техника ва материаллар, эҳтиёт қисмлари, дастурий маҳсулотлар, бўғувчи бўмларни етказиш бўйича шартномалар тузишга;

юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳамда уларга Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш

билан келишган ҳолда эркин конвертация қилинадиган валютда иш ҳақи ва бошқа тўловлар белгилашга рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентлигининг буюртмаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида жалб қилинган хорижий мутахассисларга кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Агентлигининг буюртмаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида жалб этилаётган хорижий мутахассисларга давлат божини ўнатирилмасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддатини узайтирилиши, шунингдек уларни вақтинча прописка қилиш, турар жойи бўйича ҳисобга олишни ҳамда вақтинча прописка қилиш ва турар жойи бўйича ҳисобга олиш узайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Агентлигининг буюртмаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб қилишга рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек жалб этилаётган хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва эксплуатация қилиш учун хорижий инвесторлар маблағларини, шу жумладан халқаро

молия институтлари кредитлари ва заёмларини жалб этишга ҳар томонлама қўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур Фармон ва Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этилиши билан боғлиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Бош прокуратураси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини ва Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2017 йил 24 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллашга асосланган инновацион ёндашувларни жорий этиш бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш ва давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштиришга йўналтирилган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Хусусан, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш доирасида 2013 йилда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишга туширилди.

Кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш мақсадида Ягона портал давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурсларига интеграция қилинди. Бунинг натижасида ҳозирги пайтда портал томонидан 300 дан ортиқ хизматлар кўрсатишмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларининг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ғов бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўқсунлик қилаётган бир қатор камчиликлар мавжудлигини, хусусан:

давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи лойиҳа бошқарувининг ягона тизими мавжуд эмаслигини;

лоийҳаларни амалга ошириш суръати ва самарадорлигини тезкор кузатиш имконини берувчи илғор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқаруви жараёнига етарлича жорий этилмаганлигини;

давлат ва ҳудудий дастурларни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда очиклик ва шаффофлик даражасининг пастлиги мазкур соҳада молиявий маблағлар мақсадсиз ва самарасиз сарфла-

ниши, шунингдек турли хил суистеъмолчилик ҳолатларини келтириб чиқараётганлигини;

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари шаффофлигини таъминловчи, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган ягона ахборот майдонининг мавжуд эмаслигини;

амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги, асосланганлигини ва рентабеллигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, шунингдек уларнинг қийматини ошириш кўрсатиш ва бошқа суистеъмолчиликлар аломатларини аниқлаш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлигини;

товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш имконини берадиган ягона классификатор ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда.

Юқорида келтирилган ҳолатлар давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислох қилиш шароитида ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи, лойиҳа бошқаруви принципига асосланган қарорлар қабул қилиш механизмида ишлаб чиқиш ва назорат қилишнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни талаб қилади.

Шу муносабат билан, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан давлат дастурлари амалга оширилишини, молиявий маблағлар сарфлалишини бошқариш механизмининг самарадорлиги ва шаффофлигини янада ошириш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими яратилмоқда. Мазкур тизим:

ҳар бир ресурсининг (товарлар, ишлар ва хизматларнинг) ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш ҳамда нотўғри техник топшириқ ва сметаларни юритишга йўл қўймаслик имконини берадиган ресурслар ягона

миллий маълумотномасини жорий этишни;

уч ўлчамли лойиҳалаш технологиясидан фойдаланган ҳолда ресурслар ҳисобини юритиш, лойиҳа бўйича қабул қилинган қарор самарадорлигини баҳолаш, ресурслар миқдори ва турлари тўғри белгиланганлигини аниқлаш;

лоийҳаолди, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тегишли жараёнлардан ўтказиш, ижро интизомига риоя этиш, иш юритиш, ҳисоботлар тузиш устидан электрон назорат ўрнатишни;

давлат харидларининг шаффофлигини ва суистеъмолчиликларнинг олдини олишни таъминлайдиган ягона автоматлаштирилган тизим ташкил этишни;

ишлар бажарилиши ва дастурлар ижросининг ҳақиқий ҳолатини акс эттирувчи календарь-тармоқ режалаштиришни жорий этишни, шунингдек ҳабардор қилиш тизимига эга режа ва жадвалларни шакллантиришни;

бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назорат-таҳлилий таъминотини назарда тутиди.

Шунингдек, Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти бевосита раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташкил этилди ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини яратиш, жорий этиш ва эксплуатация қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет, давлат мақсадили жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган давлат ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишининг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш;

ресурсларнинг ҳақиқий бозор қийматини шакллантириш ҳамда нотўғри техник топшириқ ва сметаларни юритишга йўл қўймас-

лик имконини берадиган ресурслар ягона миллий маълумотномасини юритиш;

давлат харидларини амалга ошириш учун ягона ахборот майдонини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет, давлат мақсадили жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб этиладиган хорижий кредитлар, заём ва грантлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳаларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширишга қўмаклашишни таъминлаш, норентабелли ва самарадорлиги паст лойиҳаларни аниқлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда замонавий технологияларни жорий этиш концепциялари ишлаб чиқиши ва ҳар томонлама таҳлил қилинишини таъминлаш;

лоийҳаларни, шу жумладан амалга оширилаётган лойиҳаларни коррупция ва бошқа суистеъмолчиликлар аломатлари мавжудлиги юзасидан комплекс техник-иқтисодий таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини ишлашнинг таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини давлат органлари ва бошқа ташкилотларда жорий этиш; лойиҳа бошқаруви соҳасида кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш.

Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш ўта муҳимлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Фармон талабларининг сўзсиз ижро этилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш юклатилди.

Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини янада оширишга, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга, давлат харидларини амалга оширишда коррупция ҳолатларининг олдини олишга, шунингдек ижро интизомини мустаҳкамлашга, бунинг натижасида, энг аввало, иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш ва халқнинг фаровонлик даражасини юксалтириш борасида қўлга тутилган ислохотларни муваффақиятли рўёбга чиқаришга қўмаклашади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИНИ ЗАМОНАВИЙ
ТИЗИМГА ЎТКАЗИШ –
ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шавкат Мирзиёев боғни кириб кўрди. Шундай ажойиб боғ яратгани, хориждан қўчатлар олиб келиб, юртимиз шароитида қўпайтираётгани учун Аминжон отага миннатдорлик билдирди.

Одамнинг қўли гул дегани мана шу, деди давлатимиз раҳбари. Бу боғ Ватанин севишининг, меҳнатсеварлиқнинг яққол намунаси. Отахоннинг тажрибасини ўрганиш, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш керак. Бу киши қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таълим муассасаларида дарс берсин, одамлар келиб бу ишларни ўрганин.

Президентимиз боғда маҳалла фаоллари, нурунийлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси, Тошкент вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган режалар ҳақида сўз юритилди.

Нурунийлар халқ билан мулоқот қилиб, инсон манфаатларини таъминлашда намуна бўлаётгани, ҳудудларни ривожлантириш, одамлар турмуш фаровонлигини оширишга қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Юқори Чирчиқ туманида барпо этилаётган замонавий логистика марказида бўлди.

"Greenfoodtrade" МЧЖ томонидан ташкил этилаётган мазкур марказ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шугулланади. 2018 йилнинг учинчи чорагида тўла қувват билан ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу лойиҳа мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ер майдонларидан унумли фойдаланиш, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Қирқ гектардан ортиқ майдонни эгаллаган мажмуа 5 кросс-докинг, гипермаркет, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш ва сақлаш омбори, 10 минг тонналик музлатгич, 150 ўринли меҳмонхона қурилади.

Мазкур мажмуа ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу ерда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Қибрай туманидаги Агрологистика маркази мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш ва қадоклаш, иссиқхона, музлатгич, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг ўз ичига олади. 2018 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилаётган марказда 500 га яқин иш ўрни яратилади.

"Ўзбеккозқоғашхолдинг" холдинг компанияси томонидан Оҳангарон туманидаги "Sardorkom" масъулияти чекланган жамиятида олмадан шарбат тайёрлаш йўлга қўйилади. Паркент туманида ташкил этиладиган корхонада мева-сабзавотни музлатиш, қадоклаш ва сақлаш мажмуаси, замонавий иссиқхона барпо этилади.

Ерлардан унумли фойдаланиш керак. Бугунги замон тўғри келган нарсани эмас, фойда келтирадиган, бозори чакқон маҳсулотлар етиштиришни талаб қилмоқда.

Тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётган йирик лойиҳалар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Лойиҳаларда қўғоз маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қадоклаш учун гофрокартон қўтилар ишлаб чиқариш, паррандачилик соҳасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш кўзда тутилган.

Тошкент вилояти туманларида рентабеллиги ва ҳосилдорлиги паст бўлган сугориладиган майдонларга экиладиган экин турларининг схематик харитаси намойиш этилди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги ер майдонларини мониторингдан ўтказиш ишларининг тақдими бўлиб ўтди. Бунда квадрокоптер ёрдамида ер майдонларини ўлчаш, маълумотларни электрон базага киритиш, ер майдонларини аэрофотосъемка қилишга эътибор қаратилган. Ер майдонларини АН-2 самолёти ва квадрокоптер ёрдамида ўлчаш натижалари таққосланди. Маълум бўлишича, 100 гектар майдонни самолёт ёрдамида 20 соатда ўрганилса, квадрокоптер қўлланганда ҳудди шу ҳажмдаги ишларга бор йўғи 4 соат сарфланар экан. Бундан ташқари, экинларга агродрон, ОБХ пуркагчи ва самолёт ёрдамида ишлов беришининг қийсий кўрсаткичлари ҳам намойиш этилди. Иш унумдорлигини оширишда замонавий агродронларнинг имкониятлари юқори баҳоланди.


Бу каби замонавий қўрилмалар қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга, деди Шавкат Мирзиёев. Агар соҳанинг эртанги кунини ўйласак, бундай замонавий тизимга тезроқ ўтишимиз керак. Дронлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, бу борада қўшма корхона тузиш ва кадрлар тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

2017-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш инновацион лойиҳаси ҳам кўрсатилди. "Ўзагротехсанотмашхолдинг" компанияси тизимдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари намойиш қилинди. Компания қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, машина-трактор паркларини ва лизинг хизматларини ўзида жамлаган. Лойиҳалардан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари ва истиқболдаги режалар ўрин олган.

Мамлакатимизда беларуслик инвесторлар билан ҳамкорликда замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришмоқда. Президентимиз ушбу техникалар турларини кўздан кечирди. Инвесторлар билан мазкур тизимни янада тақомиллаштириш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига ташрифи давомида тақдирот этилган янги лойиҳалар вилоят иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ЎЗА



● Бухорода мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда унинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган 29 иштирокчи катнашди. Иштирокчилар чиқишини баҳолашда мусиқанинг оригиналиги, матннинг бадий образларга бойлиги ва ижро маҳорати эътибор қаратилди.

● Андижонда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 2017 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунларига бағишланган сайёр йиғилиши ўтказилди. Унда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан амалга оширилган ишлар танқидий таҳлил қилинди.

● Сирдарё туманидаги "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғинида "Онахонлар ўғити" лойиҳаси доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳоли билан очик мулоқотга киришиш, мавжуд муаммоларга жойида ечим топиш тизимли йўлга қўйилгани одамларнинг адолатга, давлатга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

● Навоийда "Маҳалламиз бадминтончилари" спорт мусобақаси ўтказилди. "Маҳалла"

хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 10 жамоа иштирок этди.



● Филиппин президенти Родриго Дутарте бундан кейин ҳам мамлакатда гиёҳвандликка қарши қатъий кураш давом эттирилишини маълум қилди.

● Кеча Кузбассдаги "Анжеленная Южная" кўмири қонида тоғ қатламларининг сочилиши натижасида 78 нафар қончи зудлик билан тепага чиқариб, қутқариб қолинди, битта шахтёрнинг тақдирини ҳозирча номаълум.

● АКШ миллий архиви 1963 йилда суикасд уюштирилган Президент Жон Кеннедининг ўлимига тааллуқли бўлган кўплаб махфий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка ошкор этди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенга-
шининг доимий комиссиялари зиммасига ҳар
ой ўтказилидиган ўз мажлисларида маҳал-
лий ижроия ҳокимияти бошқарма ва бўлим-
лари раҳбарларининг ҳисоботларини эши-
тиш амалиётини йўлга қўйиш, бир ой му-
ддат ичида фаол, ёш олим, эксперт ва мута-
хассислардан иборат таркибда эксперт гу-
руҳларини тузиш ва уларни ҳудуд учун му-
ҳим бўлган масалаларни ўрганиш жараёнла-
рига кенг жалб қилиш вазифалари юкланди.

Сессияда Тошкент шаҳар Ички ишлар
бош бошқармасининг жиноятчиликка қарши
курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактика-
сис борасидаги фаолияти кўриб чиқилди.

Президентимизнинг юқоридаги маъруза-
сида Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўйи
тизимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ
ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг
ариза ва шикоятларини қонуний тартибда
кўриб чиқиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчи-
ликнинг олдини олиш ҳамда бу борада про-
филактика чораларини кўриб бориш, жино-
ятчиликка қарши курашиш ҳамда ички иш-
лар идораларининг бошқа йўналишларида
қатор камчиликларга йўл қўйиб келинаёт-
ганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Мазкур йўналишда мавжуд камчиликлар-
ни бартараф этиш ҳамда келгусида ички
ишлар идоралари фаолияти самарадорли-
гини янада ошириш мақсадида давлатимиз
раҳбари ташаббуси билан ички ишлар ти-
зимини тубдан тақомиллаштириш юзасидан
катта ислохотлар амалга оширилляпти.

Олиб борилаётган ислохотларга самара-
ли ўлароқ, шаҳарда 70 та шаҳар ички иш-
лар бўлимлари ташкил этилиши, ички иш-
лар органларига замонавий ахборот-комму-
никация технологияларининг кенг жорий
этилиши белгиланган.

Шунингдек, профилактика инспекторла-
ри учун муносиб хизмат ва турмуш тарзини
яратиш мақсадида профилактика инспектор-
ларининг бевосита хизмат олиб борадиган
маҳаллаларни ҳудудда хизмат уйлари ажра-
тиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бош-
қармаси томонидан пойтахт ҳудудда хавф-
сизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақ-
лаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари-
ни ҳимоя қилиш каби устувор чора-тадбир-
лар амалга ошириб келинмоқда.

Хафтанинг пайшанба кунининг республи-
ка микёсида - "Жиноятчилик ва ҳуқуқбузар-
ликлар профилактикаси кунини" деб эълон
қилинганлиги муносабати билан Тошкент ша-
ҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Ички
ишлар бош бошқармаси ва Жиноят ишлари
бўйича шаҳар судининг ҳамкорликдаги чора-
тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, 9 та йўна-
лиш бўйича гуруҳлар ташкил этилган.

Натижада, "Профилактика кунини" тадбирла-
ри доирасида, ўтган давр мобайнида маҳал-
лаларда 1557 та жиноятлар муҳокамалари,
371 та сайёр судлар, 5818 та профилактик
тарғибот-ташвиқот тадбирлари, 1196 та "да-
воми" тадбирлари, 1032 та йўл-ҳаракати хавф-
сизлиги йўналишида рейдлар, 244 та ёнгин
хавфсизлиги йўналишидаги тадбирлар, 394
та интернет-кафедр ва тунги клубларда про-
филактик рейдлар, 648 та паспорт-виза тар-
тиб-тўтини таъминлашга қаратилган филтра-
цион ҳамда 8450 та фоҳишалар, ичкиликка
ружу қўйган ва гиёҳвандлар билан боғлиқ
профилактик тадбирлар амалга оширилган.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи якунига кўра,
Тошкент шаҳридаги тезкор вазиятни барқа-
рорлаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузар-

Тошкент шаҳар "Маҳалла" хайрия жамо-
ат фонди билан биргаликда ҳар бир содир
этилган жиноятни маҳалла фуқаролар йи-
гилигида кенг жамоатчилик иштирокида
муҳокама қилинишини таъминлаш белгилан-
ди.

Сессияда, шунингдек, Соғлиқни сақлаш
бош бошқармаси томонидан аҳолига тиб-
бий хизмат кўрсатиш борасида олиб бори-
лаётган ишлар кўриб чиқилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси
Президенти раҳбарлигида 2017 йилнинг
5 январь, 7 февраль, 30 март ва 6 июль
кунлари ўтказилган мажлисларда соғлиқни
сақлаш соҳасида йиллар давомида вужудга
келган вазият, мавжуд муаммо ва камчи-
ликлар кўрсатиб берилган ҳамда соҳани

лағларининг оширилиши ўз навбатида ста-
циялар муассасаларда беморлар учун дори-
дармонга бўлган эҳтиёжни қондирмоқда.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам стан-
цияси ва унинг туманлардаги 11 та шохоб-
чаларини барча юридик талабларга риоя
қилингани ҳолда Республика шовишини тез
ёрдам илмий маркази таркибига ўтказилди.
Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станция-
сида хизмат кўрсатувчи 138 та автомашина
сонини 161 тага оширилди.

Илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган
ҳолда, тез тиббий ёрдам кўрсатиш талаб
этиладиغان 52 та касаллик тури бўйича ягона
стандартлар ишлаб чиқилди.

60 та оилавий поликлиникаларга 120 та
"Дамас" автомобилли ажратилди. Ушбу авто-
мобиллар орқали тез тиббий ёрдам хизма-
ти бўлаётган сурункали касаллиги бор
бўлган беморларнинг уйга қақирқилари
оилавий поликлиника томонидан амалга
оширилади ва бу ўз навбатида тез тиббий
ёрдами хизматига тушаётган мувожаатлар-
нинг ҳамда кечикишлар сонининг янада ка-
майтиришга олиб келади.

Амалга оширилган ишлар билан бир қатор-
да муаммолар ҳам мавжудлиги таъкидланди.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги то-
монидан дори-дармон воситалари учун ажра-
тилган давлат бюджети маблағлари қарийб
2 баробарга оширилишига қарамадан ста-
циялар муассасаларга мувожаат этувчи бемор-
ларнинг дори-дармонга ва тиббий буюмларга
бўлган эҳтиёжи 50 фоиз қондирилмоқда.

Шунингдек, оилавий поликлиникаларда
умумий амалиёт шифокорларининг ишини
компьютеризация орқали марказлаштириш
зарур бўлмоқда. Бу шифокор қабулидаги
навбатларни камайтириш, бемор ҳақидаги
маълумотни олдиндан ўрганиш, сўраб-су-
риштириш ва ҳолатига баҳо бериш учун вақтни
тежаш имконини беради.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,
"Тараққиёт стратегияси" маркази раҳбари
Акмал Бурхонов, Тадбиркорлар ва ишби-
лармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-
демократик партияси Тошкент шаҳар Ке-
нгаши раиси Тўрабой Назаров, Ўзбекистон
Халқ демократик партиясининг Тошкент ша-
ҳар Кенгаши раиси Хайдар Бабажанов, Ички
ишлар бош бошқармаси бошлиғи Баходир
Қурбонов, Соғлиқни сақлаш бош бошқар-
маси раҳбари Улуғбек Эгамбердиевларнинг
ҳисоботлари муҳокама қилинди.

Қўрилган барча масалалар бўйича халқ
депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг
тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи
ўринбосари С.Сафоев иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз)

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

ликларга қарши курашишда самарали чора-
тадбирлар амалга ошириб келинганлиги на-
тижасида, пойтахт ҳудудда 5.065 та жиноят
қайд этилган бўлиб, 4.648 таси фош этилган.

Фуқароларнинг мол-мулки хавфсизлиги-
ни таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳри-
да ўғрилик, шу жумладан, хонадондан ва ав-
тотўловлардан ўғрилик жиноятларининг
олдини олиш юзасидан ҳозирги кунда пой-
тахт ҳудудидagi 505 та маҳаллаларнинг кўча
ва мавзёларида, кўп қаватли уйлар йўлак-
ларига 22 мингдан зиёд видеокузатув мос-
ламалари ўрнатилган.

Мутасадди вазирилик ва идоралар билан ҳам-
корликда Тошкент шаҳрида "Хавфсиз шаҳар"
концепциясини жорий этиш юзасидан аниқ
чора-тадбирларни амалга ошириш, жиноят-
ларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш
ҳамда профилактик ишларнинг олиб борили-
шида кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини
янада кучайтириш, ҳазонни икром этиш муас-
сасаларидан қайтиб келган шахсларнинг ре-
абилитацияси, қайта жиноят содир этишга мойил
бўлган шахсларни маъмурий назоратга олиш
белгиланб қўйилди.

Шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш
борасида ҳар бир содир этилган жиноят-
нинг муҳокама этиб борилишини таъмин-
лаш, тезкор-қидирув соҳасидаги фаолият-
ни танқидий кўриб чиқиш, қидирувдаги
шахсларни, шу жумладан, диний экстремиз-
мнинг жиноятлар содир этиб, тергов ва суд-
дан яширинган шахсларни ушлаш ҳамда бу
тоифадаги жиноятларнинг олдини олишга
қаратилган тезкор фаолиятни кучайтириш
лозимлиги таъкидланди.

Хотира уйғонса гўзалдир

ШОИР АБАДИЯТИ

Анвар Исроилловнинг етук ва машҳур шоир сифатида адабиёт гулшанида ижод қилганлиги адабиёт мухлисларига яхши маълум. Ва шундай шеърлари бағрида абадиятга шуълаланиб бормоқда. Шоирнинг мағзи тўқ, сомони йўқ битиклари 8 та шеърлар тўпламига жо бўлган.

Анвар Исроилловнинг юқоридаги китобларидан ўрин олган юзлаб шеърларига мусика басталанган, машҳур ижрочилар томонидан куйланган ва улар Давлат теле-
радиокомпаниясининг хазинасида сақланади. Уларнинг кўпчилигини қўшиқсевар халқимиз ёддан билади. Бу қўшиқлар бугун ҳам эфир тўқинларида ҳамда ойнаи жаҳонимизда янги авлод ижрочилари томонидан куй-
лаб келинмоқда.

Шоирнинг болалиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, Ан-
вар оилада тўнгич ўғил бўлиб Тахтапўлдаги машҳур 22-сонли ўрта мактабнинг 1-синфига бориб, 10-синф-
ни қумуш медал билан битириб, сўнгра Миллий уни-
верситетнинг филология факультетига тахсил олди. Ёшлигида Ўзбекистон халқ шоири Файратий раҳбар-
лигидаги адабиёт тўғралиқда қатнашди. У вақтда ёш шоирлар Хайриддин Салох, Сайёр, Юсуф Шомансур,
Эркин Воҳидов, Тўлқин Имомқўжаев, Маннон Тожилов ҳам мазкур тўғаракка қатнашишарди. Бизнинг уйимиз
тўғаракка анча олиб бўлганлиги учун қатнашолмаган-
ман. Лекин Анвар Исроиллов, Маннон Тожилов (Абдуман-
ноб Тожиёвлар менга тўғаракдаги барча ангилликлару сабоқларни гапириб беришар эди. Бошқача қилиб
айтганда, мен тўғаракка сиртдан қатнашувчи эдим. Кейинчалик, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги Ўзбе-
кистон халқ шоири Миртемир раҳбарлик қиладиган "Ёш ёзувчилар семинари"га қатнашадиган бўлдик. Бу
ерда Тўроб Тўла, Мирмуҳсин, Қуддус Муҳаммадий, Қуд-
рат Ҳикмат каби устоз шоирлар билан яқиндан қўри-
шиб, саломлашадиган бўлдик. Улар бизлар учун фахр
эди. Мен, Анвар Исроиллов, Исмоил Усмонов, Мирза Махмудлар семинарлар иштирокчилари бўлганмиз.

Халқимиз "Олтин зангламас", деганидек, ҳақиқий шеърлар эскирмайди. Келажакка отланган нафосат кар-
вонида янги авлодларга маънавият армуғини бўлиб бораверади. Бундай таъриф сара шеърлар ёзган Ан-
вар Исроиллов ижодига ҳам тааллуқли. Ёқимли, таъ-
сирли овозга эга шоирнинг телебошловчи сифатида ойнаи жаҳондаги муаллифлик кўрсатувларидан бири
"Таъзим" эди. У мазкур кўрсатувини жонли эфирда чи-
ройли талаффузда, адабий тил талабларига биноан олиб борарди. Халқ маза қилиб, томоша қиларди. Шу
тариха эл орасида ҳам истеъдодли шоир, ҳам мохир телебошловчи сифатида бемор бўлди. Кейинчалик
"Мархаба, талантлар", "Қуйланг, ёш хонадлар" қўриқ-
танловларида муҳаррир сифатида кўплаб ёш иктидор-
ларнинг кашф этилишига катта ҳисса қўшиб, уларнинг санъат оламига дадил қадамлар билан кириб келиш-
ларида муҳим ўрин тутди. У ижод ва меҳнатдан чарча-
масди. Бутун борлигини шу йўлга тикканди. Шу сабаб бўлди-ми, шоир оғир бетоб бўлиб қолди. Кўп вақт да-
воланди. У бетобликда ҳам шеърлар ёзди, китоблар тартиб
эти. Умр йўлдоши Назирахон ёрдамда китоб-
лари нашр қилинди. Ва улар бугунги кунда халқимиз-
нинг маънавият мулкига айланиб қолди. Чунки шеър-
лари ўқиса дилга озиқ берадиган, фалсафий мушоха-
даларга бой, халқчил тарзда битилган. Бу Анвар Исроилловнинг кўп китоб ўқиганлиги ҳамда юксак маҳор-
ат соҳиб экинлигининг махсулидир.

Унинг биринчи шеърлар тўплами 1966 йили "Йўллар-
даги қўшиқлар" номи билан нашр қилинган. Бу ном-
нинг маъноси шундай эди. Уша вақтдаги биз дўстла-
рига: — Мен шеърятни йўлига тушдим, одатда, узоқ сафарга
отланган одам эриқмаслик учун қўшиқлар ай-
тиб кетади. Шунинг учун бу китобим, ижод йўлидаги
қўшиқларимдир, — деган эди.

Анвар Исроиллов катта истеъдод салоҳиятига эга
бўлгани учун унинг шеърлари ёнгил ўқиладиган, чуқур

фалсафий мазмунга эгадир. Мисралар равонлиги,
қоғиялар тўлиқлиги, сўзлар жарангдорлиги шеърла-
рининг мукамаллигини билдиради. Буни шоир юра-
гидаги олтин иктидорнинг шеърга айланиш жараёни
деб биламан.

Анвар Исроиллов ижодининг бош мавзуси тарихий
Ватанининг улуғлиги бўлиб, унга содиқ фарзанд бўлиш,
уни авайлаб-асраш ҳар бир Ватан ўғлининг бурни
эканлигини шеърларида оташин ҳарорат билан тас-
вирайди. Мисол учун. "Бир сўхбат ҳумори" китоби
"Ватан" шеъри билан бошланади.

**Ватансан, бағрингда боболар хоки —
Кўзларга суртгулик азиздир шунча.
Қонда жавлон урар тирикман токи,
Она-Ватан деган буюк тушунча.**

**Онасан, қалбимни меҳрингга тўлдири,
Содиқ фарзандингга шудир иноят.**
Анвар Исроилловнинг Ватанга муҳаббати чексиз ва
накадар масъулиятли эканлигини, унга муносиб қўйчи
бўлиш ниҳоятда қийинлигини эътироф этишадан Ва-
тан туйғусини чуқур ҳис қилишини кўраемиз. Бу шоир
дилининг Ватан тупроғидан униб чиққан гулдаш нозик
ва у мангу ҳаёт гулидек муқаддас эканлигини ўқувчи
дилига сингдиради.

Шоир "Қалам" шеърини шундай мисралар билан
бошлайди.

**Китобли уй учун риё ёт,
Уй файзидир китобли тоқча,
Ҳар гўдакка муаллим ҳаёт.
Дер тутқазиб сирли таёқча:
— Мана қалам, сен дўст тутгингил,
Одамлиқ имлоси билан.**

Олам гўзал, шодондир кўнги

Қаламининг бир имоси билан.

Анвар Исроилловнинг юқорида келтирилган "Китобли
уй учун риё ёт", "Уй файзидир китобли тоқча" мисра-
ларидаги ҳаёт китоб билан ривожланади, маърифат
билан мазмунланади, деган фикри бугунги "Китоб ва
китобхонлик" масаласига ҳамоҳанглиги билан ҳам
аҳамиятлидир. Сир эмаски, ўзбек халқи қадимдан ки-
тобларга мўлжалланган тоқчали уйларида яшаган. Кейинги
вақтларда китобларга эътибор биров сусайгандек
қўринди. "Уяли телефон", "Интернет" қичиб, ёшларни
бироз қалгитгандек бўлди. Давлатимиз раҳбарининг
ташаббуси билан бугун ёшларнинг китобга бўлган қизи-
қишини оширишнинг давлат сиёсати даражасига қўта-
рилиши маънавиятимизни янада кучайтиришга йўллан-
ма бўлмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жо-
изки, Анвар Исроиллов сермазун китобларни излаб,
топиб ўқирди. Китоб дўконидаги сотувчилардан ошна-
лари бор эди. Яхши, янги китоб келса, олиб қўйишни
илтимос қиларди. Шарқ, Фарб адабиётини яхши би-
ларди. Анваржон билан нафақат ўзбек адабиёти, бал-
ки Шекспир, Пушкин, Гёте, Данте каби даҳо адиблар
ҳақида соатлаб сўхбатлашш мумкин эди. У Пушкин,
Есенин, Блок, Байрон, Шекспир, Петефи шеърларини
ёддан ўқур, уларни юксак маҳорат билан таржима ҳам
қиларди. Навоий, Бобур, Машраб ва Оғаҳиядан юзла-
б ғазалларни ёддан биларди. Айни ҳаётда ижодга
чанқоқ, 55 ёшда, 1992 йили вафот этди. Ҳақиқий шо-
ирга ижод умрининг ўлчови йўқ. Унинг оташин нафаси
шеърларида, қўшиқларида жаранглаб турибди. Бу
шоир абадитининг ёқимли шабадасидир.

**Китобхон дўстин, шоир Анвардир,
Ҳар шеъри дил бегази — гавҳардир.**

**Хайдар МУҲАММАД,
шоир ва драматург, "Дўстлик" ордени соҳиб**

**Узоқ асрлар давомида Ўзбекистон
замини цивилизациялар ва маданиятлар
чорраҳаси бўлиб хизмат қилган. Шунинг
учун мамлакатимизнинг кўплаб тарихий
ёдгорликлари орасида алоҳида гуруҳга
кирувчи, учта буюк — ислом,
христианлик ва яҳудийлик дини
томонидан қадрланадиган муқаддас
қадамжолар ҳам бор.**

ТАРИХИЙ КОШИН ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТАРИЛДИ

Ана шулар қаторига Самарқанддаги Хўжа Дониёр мав-
золеи, Оксойдаги Хазрати Доуд гори, Бухоро ва Воб-
кентдаги Аюб пайғамбарга оид деб билинадиган Чаш-
маи Аюб ва бошқа муқаддас жойлар кирази.

Вобкентдаги ёдгорлик XIII асрнинг бошида бунёд этил-
гани билан диққатни ўзига тортади ва у сирланган кал-
лиграфия кошидан фойдаланидиган архитектуранинг энг
қадимги намуналаридан ҳисобланади.

Шунинг учун бир неча йил аввал йўқолган, ҳатто яса-
лиш тарихи кўрсатилган (ҳижрий 605 йил ёки мелодий
1208 йил) кошин Лондондаги антикар галереяларидан
бирида пайдо бўлади. У ўзининг ноёб ва қадимги уста-
ларнинг заргарона иши туйфали мутахассисларнинг
диққатини тортади. Бахтимизга ана шундай эксперт-
лардан бири Оксфорд университети профессори Жеймс
Аллан бўлиб чиқади. Олим кошинни дарҳол танийди,
чунки бир муддат аввал Вобкентда бўлиб, Чашмаи Аюб
мажмуаси билан танишган эди. Бу ҳақда Британиянинг
The Guardian газетаси хабар беради.

Натижада кошин Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихо-
наси ва мамлакатимизнинг маданий-академик муасса-
салари билан яқиндан алоқа ўрнатган машҳур Брита-
ния музейига топширилади. Ҳамкорликдаги сайё-ҳара-
катлар оқибатида кошин Ватанимизга қайтарилиши учун
дипломатик ваколатхонамизга тантанали равишда топ-
ширилиш билан аяқланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳуку-
мати номидан Британия музейи директори, машҳур
санъатшунос Хартвиг Фишер номига миннатдорлик мак-
туби йўлланади. "Маънавий қадриятлар — турли халқ-
ларни яқинлаштириш, шериклигининг ўзаро ҳамжихат-
лик ва шаффофлиқнинг янги чўққиларига эришишга
қўмаклашади. Британия музейи билан яқиндан ўрна-
тилган ҳамкорлик унинг амалий далоили ҳисобланади",
дейилади хужжатда.

Маросимда сўз олган Х.Фишер "нодир кошиннинг
Ўзбекистонга қайтаришда музейнинг алоҳида роли
бўлгани мени қувонтирди", деди.

"Мухими қадимги кошинни эски асл жойига тўлиқ жой-
лаштириш имкони бор. Британия музейи бутун дунёда
маданий меросни асраш ва уларнинг асл ҳолатини сақ-
лаб қолиш, шунингдек, қимматбаҳо нарсаларнинг тари-
хий маконларига қайтаришларида ўзининг муносиб ҳис-
сасини қўшиб келмоқда", деб баёнот берди музей ди-
ректору.

Мамлакатимиз ҳукмати Х.Фишерни Ўзбекистонга
таклиф этиб, Вобкентдаги мавзолеиди кошинни тари-
хий жойига қайта жойлаштириш жараёнида шахсан иш-
тирок этишини сўради. Бу жараён бошлангунча муқад-
дас кошин Ўзбекистон давлат санъат музейида сақла-
нади.

"Жаҳон" АА, Лондон

ЖОНЛИ ЭФИРНИНГ ПОЗИТИВ РУҲИАТИ

**Мамлакатимизда янги форматдаги
"O'zbekiston 24" ахборот-таҳлилий
телерадиоканали иш бошлади**

2017 йил 24 июль. Соат 10:00. Айни шу сана ва
дақиқалардан мамлакатимиз миллий ахборот сегмен-
тида муҳим воқеа юз берди: янги форматдаги
"O'zbekiston 24" ахборот-таҳлилий телерадиоканали иш
бошлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил
2 майдаги қарорига мувофиқ янги телерадиоканал Ўзбе-
кистон Миллий телерадиоконкомпаниясининг "Диёр" те-
леканални ва "Тошкент" радиоканали қатталарида эфир
юзини кўрди. Кўрсатув ва эшиттиришлар ўзбек, рус ва
инглиз тилларида тайёрланиб, кеча-кундуз деярли тўлиқ
жонли эфирда намойиш қилинмоқда.

"O'zbekiston 24" телеканални, радиоканали ва
uzbekistan24.uz сайтидан иборат мазкур янги оммавий
ахборот воситаси мамлакатимиз ва хорижда содир бўла-
ётган воқеаларни тезкор, сифатли, ҳолис ва ишончли
ёритишда, уларга объектив баҳо бериб, аҳолининг мав-
жуд воқелик ҳақидаги тўғри ва ишончли дунёқарашини
шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Ҳамкасбларимизнинг янги форматдаги биринчи иш
куни билан яқиндан танишиш мақсадида "O'zbekiston
24" телерадиоканалида бўлди.

Телевидение ё радиоканалларда эфирга тайёргар-
лик жараёнида кўп гувоҳ бўлганимиз. Ҳа, айнан тайёр-
гарлик жараёнига! Бироқ МТРКнинг Медиамарказидаги
бугунги жараён тамомилла бошқача — студияларда жон-
ли эфир кетмоқда. Ҳозир шу лаҳзада студияда айтила-
ётган барча фикр-мулоҳаза, тасвирлар ва овозлар бу-
тун дунёга узатилмоқда. Ҳеч қандай қолип ё шаблон
йўқ.

Кўзлар қақнаб турибди. Хавотир ҳам бор. Масъулият
кучли. Айни пайтда шахсий жавобгарлиқни зиммасига
олишдан қўрқмаслик, хато қилишдан чўчимаслик, ўзига
ишончининг юз-қўлардаги, ҳаракатлардаги ифодаси сиз-
га ҳам юқади. Ахир бу кунларни барчамиз орзу қилган-
дик.

"O'zbekiston 24" радиоканалининг илк эфирини кат-
та муҳаррир Дилшод Бўриев ва бошловчи Шаҳноза
Қурбонова очиб берди.

— Асл демократия, ҳақиқат тантанаси, ошқоралик ва
очиқлик тушунарларини бугун ҳар қанонидан ҳам те-
ранроқ англадим, — дейди Д.Бўриев. — Мавзуни ўзин-
гиз танласангиз, уни ўзингиз тадқиқ қилсангиз, истеъ-
додни шайлонга мослаштириш, "саволларингизни кўриб
берай, мана буни айт ё буни айтма" каби кўрсатмалар
бўлмаса, эфирни сизга тўлиқ ишончи топиришмаса —
ижодкорга бундан каттароқ бахт йўқ. Бу журналист хо-
ҳиш-иродасининг галабаси бўлиш билан бирга, айни
пайтда ижодий салоҳиятнинг жиддий синовиридир. Илк
эфирнинг ҳаяжони катта бўлди. Мана, кўриб турибсиз,
барчаси жонли кечмоқда. Айни мана шу бевосита му-
лоқот халқимизни янги марраларга руҳлантурса, улар-
нинг дард-ташвишларини, орзу-ўйларини ифодалай ол-
сак, шунда, бу синовдан ўта ёруғ юз билан ўта оламиз.</

Тақдимот

ҚАЛБИМИЗНИ НУРАФШОН ЭТАДИ

Бугунги кунда кенг қўламли моддий-иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда маънавий тараққиёт, илмий-маърифий соҳада ҳам катта юксалишлар кўзга ташланмоқда. Улуғ аждодларимизнинг маънавий меросини чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ қилиш, уларни китоб ҳолида халқимизга яқиндан таништириш борасида ҳам саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Академик Нейматуллох Иброҳимов таърири остида оригинал манбалар асосида тузилган, ўзбек китобат тарихида биринчи марта нашрга тайёрланган, тўрт жилдан иборат "Ал-Қомус" арабча-ўзбекча қомусий луғатнинг 1-жилди ҳамда туркшунослик илмининг асосчи-си, буюк бобоқалониимиз Махмуд Қошғарийнинг дунёга машҳур "Девону луғати-т-турк" китоби Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу янги китобларнинг тақдироти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов ва бошқалар Президентимизнинг жорий йил 12 январда эълон қилинган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши борасида

дастуруламал ишлар амалга оширилаётганини қайд этиб, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва уни тарғибот қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлигини таъкидлади.

Олтмиш йиллик ноширчилик тарихига эга бўлган Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бугунги кунда адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, тарихий, илмий-маърифий мавзудаги асарларни ўзбек китобхонлари оммасига етказиб бераётган етакчи нашриётлардан бири ҳисобланади.

2016 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида қўлаб бадиий асарлар нашр этилди. "Адабиёт хрестоматияси" руқнида 44 жилдан иборат китоблар мажмуаси, "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари"нинг 10 жилди, "Нашриётимиз хазинасидан" руқнида 17 номдаги китоб, шунингдек, халқимиз тарихи, маданий мероси, миллий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида хикоя қилувчи ўнлаб бадиий китобларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этди.

Махмур тўрт жилдиди "Ал-Қомус" араб-



ча-ўзбекча қомусий луғатнинг 1-жилди ҳамда буюк бобомиз Махмуд Қошғарийнинг "Девону луғати-т-турк" китоби нашри халқимиз учун гўзал бир туҳфа бўлди, — дейди Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Лазиз Тангриев. — Ҳар қандай тилини луғатларсиз ўрганиш, тасаввур қиларли иш эмас. "Ал-Қомус" китоби худди ана шундай луғатлар сирасига қиради. Луғат мумтоз ва замонавий араб адабий ҳамда сўзлашув тилидаги юз мингдан ортиқ сўз ва ибораларни, фан-техника, санъат, маданият соҳасига оид атама-тушунчаларни қамраб олган. Шарқшунос-арабшунослар, манбашунос-тарихчилар, араб тилини ўрганувчилар ва кенг китобхонларга мўлжалланган. "Девону луғати-т-турк" асари ҳам туркий тилшуносликнинг тенги йўқ улуғ ёдгорлиги ҳисобланади. Шарқ, Фарб халқларига қадимги туркларнинг тили, маданияти,

тарихи тўғрисида тўлиқ маълумот беришчи қомусий китоб сифатида яратилган. Махмур китобнинг ўзбекча таржимаси 1960 йилда нашр этилган бўлса, буни-си, олти-сиз йилдан кейинги янги нашр ҳисобланади. Китобда сўнгги йилларда туркологияда юзага келган ўзгаришлар, янги қарашлар инobatга олиниб, асарнинг аввалги нашрида йўл қўйилган камчилиги хатолар тузатирилган, тушиб қолган ўринлар тикланган.

Дарҳақиқат, китоблар маънавият сарҳадлари, ақл ва тафаккурнинг энг зарур озуқаси ҳисобланади. Нима бўлганда ҳам иккита янги сара китоблар нашр этилиб, ўзбек китобхонларига муносиб совға бўлди. Зеро, китоблар яхшиликка чорлаб, эзгуликка етаклаб қалбимизни мусоффолаб, кўнгилни нурафшон этди-ган энг ёруғ, энг мукаммал ва ёрқин манба ҳисобланади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

САНЪАТИМИЗ — МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ГАВҲАРИ

Ватанимизнинг қадим тарихига, айниқса, унинг мафтунок санъатига эътибор берадиган бўлсак, буюк бир нур тараляётганини ҳис қиламиз. Санъатнинг руҳий озуқа, тарбиявий ва эстетик завқ бағишлашини англаган инсонлар яхшилик ва гўзалликни барчага раво кўрадилар. Маданият тушунчаси олмосдек серкирра бўлганидек, санъат ҳам инсон онгининг кўмакчидир. Ҳар икки соҳадаги яхши хислатларини билишлик кўпроқ китоб ўқишликни талаб қилади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президентининг китобхонликка бўлган юксак эътиборлари талабалар, айниқса, ёшларимизнинг қалбида муҳим ўрин эгаллади. Ҳақиқатан, санъат ва маданиятни билган давр одамлари ўз замонасининг ҳар томонлама баркамол кишии бўлиши зарур. Бундай инсонлар эса албатта китоблар билан ошно тутинадилар. Китоблар доимо санъатимиз, маданиятимиз гавҳари эканлигини билишлигимиздаги кўмакчи воситачи ҳисобланади. Китоблар маданиятимиз, санъатимиз сарҳадидир. Агар санъат бўлмаганида инсон қалби хувиллаб турган бўм-бўш саҳрога ўшаб қоларди.

Санъат оламига илк қадам, аввало, оилада ташланади. Мурғакликда ташланган қадам дадил бўлиши, уларнинг келгусидаги ҳаёти мазмундор ва завқли бўлиши учун уларда санъатга меҳр туйғуларини уйғотиш ҳамда тарбиялаш зарур. Тасвирий санъат инсонни мафтунок гўзаллик оламига бошлайди. Инсониятни ҳаёт ҳақида, олам ва одам, табиат ҳақида чуқур ўйга толдиради.

Маданият ва санъат тушунчаларини уйғунлаштирганимизда: маданият аслида инсоний бурчнинг такомиллашиб етишшининг намунаси бўлса, санъатда — руҳий озуқа ва эстетик завқ беришлигида янада сезилади.

Бутун дунё халқлари китобхонларига яхши таниш бўлган буюк араб адиби Жаброн Халилнинг "Кўз ёши ва табасум" китобида "Санъат тушунарли ва аниқликдан ақл бовар қилмас яширинликка қўйилган қадам. Мен сурбетликни — жасурлик, андишаларни — қўрқоқлик дейдиган ва вайсалиқда — билим, камгаплиқда — беадаблик ҳамда сохталликда — санъатни кўра олмаган кишилардан йироқман", деган ҳаётий фикри санъатнинг қўп қирраллигини исботлайди.

Меъморлик санъатининг билимдонлиги, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек шахснинг гўзалликка интилуви қарашлари, яратиш завқи, ўзидан кейинги авлодларга қироиди тенгсиз бўлган қўш иморатлар, боғроғлар қолдириш гоёлари билан яшаганлигини биз тарихдан яхши биламиз. Албатта, Бобур ҳам ўз даврининг бошқа ҳукмдорлари каби мухташам обидалари, хайратга солувчи иморатлари тож-тахтининг шуҳрати эканлигини биларди. Зеро, у хох ватани Мовароуннаҳрда, хох ўзи забт этган Афғонистон ва Хиндистонда бўлмасин, қарамоғида бўлган мухташам биноларни хурофот ва бидъатга берилиб бузмади, балки уларни қайта тиклаш ва барпо қилишга киришди. Бобур қаерда бўлмасин, ўша жой меъморлик санъатига синчковлик билан қаради ва меъморчилик санъатига катта ҳисса қўшди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, санъатимизнинг қайси соҳасига тааллуқли бўлса ҳам илмий ёндошиб ўрган-сак, илм-фанимизга янгиликлар киритсак шундагина келажак авлодга арзигулик асарлар қолдирган бўламиз.

Юлдуз ПАРДАЕВА,
К.Бехзод номидаги МРДИ талабаси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ўтказилаётган профилактика тадбирлари жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пайшанба – профилактика куни

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан ўтказилган навбатдаги брифингда содир этилган жиноятлар, уларнинг сабаблари таҳлил этилди.

Жорий йилнинг 13 июлидан 20 июлига қадар пойтахтимизда 17 жиноят содир этилган, улар "изи йўқолмасдан" фош қилинган. Қидирувда бўлган 32 жиноятчи қўлга олинган. Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида бедарак йўқолган 15 шахс аниқланиб, яшаш манзилига қайтарилган.

Маълумки, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари бўладиган кун арафасида фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар кўпаяди. Ўтказилаётган профилактика тадбирлари натижасида мансабдор шахсларга пора бериш йўли билан ўқишга киритишни ваъда қилган "ишбилармон"лар қўлга олинмоқда ва уларга қарши жазо чоралари қўйланмоқда. Жумладан, 13 июль куни Яшнобод тумани ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуни асосида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро М.Бегимқуллов фуқаро Иноғомовага ўғлини 8 минг АҚШ доллари эвазига Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, 4 минг доллар олаётган вақтда Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан далилий ашё билан қўлга олинган.

Махмур ҳолат юзасидан Бегимқулловга нисбатан Яшнобод тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими томонидан жиноят иши кўзгатилиб, унинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги текширилмоқда.

Мирзо Улугбек тумани ҳудудида ўтказилган тезкор тадбир давомида худди шундай яна бир жиноят аниқланган. "Қуюв-механика заводи"да муҳандис бўлиб ишлайдиган Ф.Абдурахимов фуқаро Абдусаломованинг ишончига кириб, ўзини Тошкент темир йўл муҳандислари институти ходими, деб таништирган. Унинг ўғлини махмур институтга ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, бунинг учун Абдусаломовадан 8 минг доллар олаётган вақтда ашёвий далил билан қўлга олинган.

Махмур ҳолат юзасидан Мирзо Улугбек тумани про-

куратураси томонидан жиноят иши кўзгатирилган.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган "Орият" тадбирлари давомида фохишахона сақлаш билан боғлиқ бир қатор жиноятларга чек қўйилган.

Гийҳхандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш борасида олиб борилган тезкор тадбирлар самарасида 20 ҳолат аниқланган. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида олиб борилган тадбирлар туфайли йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан 16 минг 847 қоидабузарлик аниқланиб, тегишли маъмурий баённомалар расмийлаштирилган. Ҳафта давомида 22 йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган.

Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика ишларини кучайтириш мақсадида ҳафта давомида Тошкент шаҳридаги 68 маскан текширилган. Текширув давомида ота-онанинг бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг назоратсиз соат 22.00 дан кейин интернет-кафе ва бошқа кўнгилочар жойларда юрган 25 нафар вояга етмаганлар аниқланган.

Кўча ва жамоат жойларида, хонадонларда бошқинчилик, ўғирлик ва бошқа турдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида 49 хонадон ва 27 объект кўриқловга олинган. 89 объектга автоном сигнализация ўрнатилган. 67 объектга 163 видеокамера қўйилган.

Жамоат жойларида ва оила-турмуш доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида судлар томонидан жамоат ташкилотлари ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда 36 ҳуқуқбузарлик сайёр суд мажлисларида муҳокама этилган.

Ҳар бир фуқаро ўз ҳудудида содир этилган жиноятлар муҳокамасида қатнашиши, уларнинг сабабини билиши, олдини олишга имкон қадар ҳисса қўшиши лозим. Бу аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳушёрлигини янада оширади.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Реклама ва эълонлар

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яккасарой туман Кичик Бешёғоч кўчаси, 31-уйда яшовчи Касимов Бахтиёр Закирович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"MIRAG'ZAM AGRO BIZNES" МЧЖ (ИНН 302128107) устав фонднинг 9 284 653 734 сўмдан 1 284 653 734 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99898 366-36-66

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

МАҚСАДИМИЗ — ЁНГИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Яшнобод тумани Бойқўрғон маҳалласида жойлашган шахсий хонадонда 100 кв.м. майдонда уйнинг ички қисми ва томи ёнғиндан зарар кўрган. Саросимада қолган қўшнилари бу ҳақда зудлик билан ёнғин хавфсизлиги хизматида хабар беришди. Ёнғин ўчирувчилар воқеа жойига етиб келиб, ёнғинни бартараф этдилар ҳамда тарқалишига йўл қўймадилар.

Аҳоли ўртасида ўтказилаётган тарғибот ва ташвиқот тадбирларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш зарурлиги доимо тақдорланиши барчамизга маълум. Аммо локаллик ёки бепарволик сабабли айрим фуқаролар томонидан юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўйилиши учраб турибди.

"Ёнғинлар профилактикаси куни" муносабати билан пойтахтимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар янада жадал тус олган. Режа асосида ўтказилаётган профилактика тадбирлар амалий аҳамият касб эта бошлади.

Яқинда пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган "Алоқа банки"да ана шундай профилактик тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Тадбир аввалида банк ходимларига ёнғин пайтида қандай ҳаракатланиш лозимлиги, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш тартиби, туғундан ҳимояланиш усуллари ва воситалари ҳақида атрофлича тушунтириб берилди. Банк ҳовлисида ўтказилган амалий машғулот эса тадбир иштирокчиларида янада катта қизиқиш уйғотди. Унда ёнғин ўчириш дастакларини улаш, сув ёрдамида ёки тез алангаланувчи сувоқликлар ёнғанда қўпик билан ўчириш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш жараёнлари кўргазмалари кўринишида намойиш этилди.

Ушбу учрашувда қатнашган Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ бўлим катта муҳандиси, капитан Умид Юлдашев қўйидагиларни гапириб берди:

— Қўп ҳолатларда айрим фуқароларимиз томонидан қонуний равишда эвакуация йўллариининг ёпиб қўйилиши, розеткалардан нотўғри фойдаланишда, электр тарқаткичларнинг очик ҳолатда туриши, электр ускуналарининг белгиланмаган жойда ишлатилиши ҳолатларига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолатлар юзасидан маъмурий тартибда чоралар кўрилади. Аммо бепарволик, локаллик ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўлади. Буни эса ҳар бир фуқаро тушуна билиши керак.

Муслима РАХИМОВА, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси, капитан

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш, уларга риоя қилишга бағишланган учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад — аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга уларни жалб қилишдан иборат.

Аҳолининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши орқали турар жой, корхона ва ташкилотимизни, қолаверса ўзимиз ва яқинларимизнинг ҳаётини асраб қолган бўламиз.

Р.ҒУЛОМОВ,

Учтепа тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори

"Тилсиз ёв"дан ўсиб келаётган авлодни асраш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса уларда бу борадаги билим ва қўникмаларни шакллантириш муҳимдир.

Мақтабгача таълим муассасалари ва ўқув юрларида ўтказилаётган суҳбатлар самарадорлигини ошириш мақсадида болаларга ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган бирламчи ўт ўчириш воситалари, замонавий ўт ўчириш анжомлари, уларни ишлатиш тартиблари ҳақида тушунтириш борилади. Бундан ташқари ёнғинлар қандай талафотларга олиб келиши мумкинлигини акс эттирувчи кўргазмалар ҳам намойиш этилади. Ўт ўчирувчилар аввало кичкинтойларга содир бўлган ёнғинлар ҳақида гапириб, ёнғин юзага келганда биринчи навбатда нималарга эътибор бериши кераклиги ҳақида тушунчалар беришади.

Огоҳлик — давр талаби эканлигини унутмаслик муҳим.

У.АХМЕДОВ,
ИИБ ЁХБ инспектори

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

— 39-41 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 26 июлда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.